

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАИЛОВ МУРОДУЛЛА КАХРАМОНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Исмаилов Муродулла Кахрамонович**

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш  
технологияси.....5

**Исмаилов Муродулла Кахрамонович**

Технология развития саногенного мышления у будущих  
учителей.....27

**Ismailov Murodulla Khakhramanovich**

Technology for the development of sanogenic thinking in future  
teachers.....50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАИЛОВ МУРОДУЛЛА КАХРАМОНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА САНОГЕН ТАФАККУРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2683 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Олимов Ширинбой Шаропович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдурахмонова Зухра Абдурахмон қизи**  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**


**Кўкон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "23" декабрь соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43.Тел.: (376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (39 рақами билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил "14" 12 куни тарқатилди.  
(2021 йил "15" 12 даги 46 - рақамли реестр баённомаси).



  
**И.Т.Чариев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
**М.Қ.Бозорова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

  
**Х.Ж.Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
ранси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожда инсон ақл-заковати ҳамда маънавияти жамиятни ривожлантирувчи муҳим омил ва восита эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур ижтимоий фаол фуқаролар, юксак савияга эга мутахассислар, меҳнат бозорида рақобатбардош ва инновацион таълим муҳитида ҳамкорликдаги фаолиятга қодир шахсни тайёрлаш зарурати билан боғлиқ педагогик кадрларни тайёрлаш муаммосини янада долзарблаштирмоқда. Айниқса, педагог кадрларни тайёрлаш халқаро дастурида талабалар фаолиятини ривожлантиришнинг “фикрий акс эттириш амалиёти”га (reflective practitioner) йўналтирилган тактикасини такомиллаштириш, ижодий ва рационал ёндашув уйғунлигини таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда олий таълим муассасаси талабаларида соғлом фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий ривожлантиришнинг кредит-модулли технологияларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бўлажак ўқитувчиларда саноген рефлексияни таркиб топтиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, саноген фикрлашни фаоллаштириш орқали касбий-педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини ошириш, SMSC (Spiritual – маънавий, Moral – ахлоқий, Social – ижтимоий, Cultural – маданий) стратегияси асосида акмешахсни шакллантиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикада инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш асосий стратегик вазифалар сифатида белгиланган<sup>1</sup>. Бунда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилувчи педагогик механизмларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу нуқтаи назардан, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришда фанлараро интеграцияни таъминлаш, мазкур жараёнга рефлексив ва технологик ёндашувларни жорий этиш, саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ҳамда рефлексив технологиясини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”, “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз”, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби асарлари тадқиқот учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Таълим жараёнида шахс дунёқараши ва тафаккурини барқарор ривожлантиришнинг назарий-тарихий асослари энг қадимги ёзма манбаалар ҳамда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби Шарқ мутафаккирларининг қомусий асарларида ёритиб берилган.

Республикамиз олимларидан Б.Адизов, Г.Арипова, О.Жамолдинова, Р.Сафарова, Д.Рўзиева, Б.Умаров, Б.Ходжаев, Ч.Шакирова, Ш.Шодмонова, Ф.Юзликбаев, Н.Эгамбердиева, Г.Баходироваларнинг тадқиқот ишларида ўқувчиларда янги тафаккур тарзини шакллантириш, талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш, мустақил, миллий, маънавий-ахлоқий, ижодий, бадиий, инновацион, тарихий, толерантлик тафаккури, ижодий фикрлашни ривожлантириш масаласининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Ш.Кубаева, Ж.Туленов, Г.Туленова, А.Чориев, Л.Қурбонова, В.Хайруллаевалар томонидан инсон тафаккурини ривожлантиришнинг фалсафий-методологик жиҳатлари, психолог олимлардан М.Давлетшин, А.Жабборов, З.Нишонова, Н.Сафаев, Р.Суннатова, Э.Ғозиев, В.Каримова,

З.Абдурахмонова кабилар томонидан инсон тафаккури муаммосининг психологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан О.Гребенюк, Т.Гребенюк, Т.Васильева, С.Морозюк, Е.Мирошник, Ю.Орловлар томонидан саноген тафаккур концепциясининг назарий-фалсафий асослари, саноген тафаккурнинг психологик хусусиятлари, ўқувчиларда ва ўқитувчиларда саноген тафаккурни шакллантириш масалалари ўрганилган. Ўзгарган онг ҳолатида шахсий саноген акс эттириш, бўлажак ўқитувчиларнинг эмоционал компетентлигини ривожлантиришда саноген рефлексиянинг роли, саноген фикрлаш шахс ижтимоий мослашувининг муҳим омили сифатида, кинофилмлар воситасида саноген тафаккурни ривожлантириш, шахснинг ўз-ўзини бошқаришига саноген рефлексиянинг таъсири, саноген рефлексиянинг характер акцентуациясини оптималлаштириш ва ўқув фаолияти самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, саноген рефлексияни ривожлантириш орқали ижтимоий-психологик мослашувни таъминлаш, ҳаётий қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда стрессларга чидамликни оширишда саноген рефлексиянинг ўрни, мустақил таълим жараёнида саноген рефлексияни ривожлантириш, шахснинг психологик барқарорлигини таъминлашда саноген рефлексиянинг ўрни муаммолари Л.Адамян, Л.Кананчук, Ю.Крайнова, В.Лысенко, С.Марчукова, М.Михайлова, В.Опарина, Н.Павлюченкова, А.Россохин, А.Рудаков каби тадқиқотчи-олимлар томонидан чуқур ўрганилган.

Хорижлик олимлардан И.Аршава, Х.Гейвин, Дж.Дюи, К.Изард, В.Ключко, С.Мадди, О.Осадько, Н.Пил, Р.Стернберг, К.Стернберг, А.Хилман, К.Хорнилар шахснинг ҳиссий кечинмалари, тафаккурнинг психологик-педагогик хусусиятлари, ўз-ўзини тушуниш қобилияти, когнитив психология, позитив фикрлашни ва талабаларда саноген тафаккурни шакллантиришнинг психологик муаммоларини тадқиқ этишган.

Бироқ саноген тафаккур муаммоси ва уни бўлажак ўқитувчиларда ривожлантиришнинг педагогик механизмлари, соғлом тафаккурнинг психологик-педагогик хусусиятлари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар, рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш модели махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, саноген тафаккурни ривожлантириш орқали бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, аудиториядан ташқари машғулотлар орқали саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, талабаларда саноген тафаккурни ривожлантиришга доир рефлексив техникалар тизимини ишлаб чиқиш каби муҳим йўналишлар махсус ёритиб берилмаган. Мазкур жиҳатлар бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш юзасидан илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-002 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни

шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

саноген тафаккурнинг мазмун-моҳиятини ёритиш орқали бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини очиб бериш ва омилларини аниқлаштириш;

рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб бериш;

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Фарғона, Бухоро ва Термиз давлат университетларининг педагогика ва психология, бошланғич таълим, мактабгача таълим ҳамда жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишларининг 455 нафар талабаси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда муаммога доир адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; социометрик методлар (суҳбат, анкета, сўровнома, интервью, тест); педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш каби илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёнининг когнитив, тайёрлов, якуний фазаларига устуворлик бериш асосида фикр юритишнинг мотивацион, рефлексивлик, операцион кўникмалари ҳамда йўналтирувчи, эмоционал барқарорлик, мазмунли каби саноген хулқ-атворга оид таркибий компонентлари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари фикрларни ташқи ифодага олиш, фикрлаш жараёнида интериоризация, шахсий рефлексия ва мустақилликнинг намоён бўлиши, фикрлашдаги мослашувчанлик, ўз-ўзини ишонтириш, назоратнинг юқорилиги, эмоционаллик ва ақлий ёндашувларнинг уйғунлигини таъминлай олиш билан объектив, субъектив ҳамда педагогик омиллар таъсир даражасининг барқарорлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;



саноген ва патоген фикрлашнинг ўзаро тескари пропорционал алоқадорликка эгаллигини ҳисобга олиш, шунингдек, рефлексив ёндашувнинг яхлитлик, ўзаро алоқадорлик, субъективлик, ўз-ўзини акс эттириш тамойиллари ҳамда педагогик-психологик фанларни ўқитиш имкониятларига асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилган;

эмоционал-образли, интеллектуал-ижодий, рефлексив кўникмаларни шакллантириш ва коррекцион-ривожлантирувчи тавсифга эга аудиториядан ташқари машғулотларни аниқ мақсадга йўналтирилган ва мотивацион-диагностик, ахборотли-когнитив, операцион-фаолиятли, натижавий-рефлексив каби ташкилий компонентлар билан ўзаро ички интеграциясини таъминлаш асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурнинг ривожланганлик даражасини белгилашга доир диагностик воситалар ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган “Саноген фикрлашни ўрганамиз” номли тўғарак машғулотлари дастури ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив техника ва усуллари мажмуи ишлаб чиқилган;

“Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш технологияси” номли методик қўлланма нашр этирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммони ўрганишда фалсафий, методологик, методик, педагогик ва психологик ёндашувларга ҳамда саноген тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича олиб борилган республикамиз ва чет эллик олимларнинг тадқиқот иши натижаларига асосланганлиги; тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълимни ахборотлаштириш шароитида талабаларда саноген тафаккур ва талабалар тафаккурини ривожлантиришга доир маълумотларнинг талқинига оид замонавий мулоҳазалар кўламининг кенгайтирилганлиги, педагогик-психологик тажрибанинг янги хулосалар билан бойитилганлиги, яъни бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёнининг умумий рефлексив кўникмалар билан ўзаро уйғунлиги динамикасининг аниқланганлиги, унинг қирралари ифодаланганлиги ва талқин қилинганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришда рефлексив ёндашув модернизацион воситаси

эканлиги эмпирик асосланганлиги, олий таълим муассасалари талабаларида саноген тафаккурни ривожлантириш жараёни технологик ёндашувга асосланган ҳолда ташкил этишга боғлиқлиги назарий материаллар асосида бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш модели, аудиториядан ташқари машғулотлар асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш йўлларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан педагогика таълим соҳаси малака талабларини аниқлаш, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, аудиториядан ташқари тадбирларни лойиҳалашда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёнининг когнитив, тайёрлов, якуний фазаларига устуворлик бериш асосида фикр юритишнинг мотивацион, рефлексивлик, операцион кўникмалари ҳамда йўналтирувчи, эмоционал барқарорлик, мазмунли каби саноген хулқ-атворга оид таркибий компонентларини аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Тарбия” фани Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 23 сентябрдаги 01/11-02/02-1395-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда соғлом тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини фикрларни ташқи ифодадай олиш, фикрлаш жараёнида интериоризация, шахсий рефлексия ва мустақилликнинг намоён бўлиши, фикрлашдаги мослашувчанлик, ўз-ўзини ишонтириш, назоратнинг юқорилилиги, эмоционаллик ва ақлий ёндашувларнинг уйғунлигини таъминлай олиш билан объектив, субъектив ҳамда педагогик омилларнинг таъсир даражасининг барқарорлигини таъминлаш асосида аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 23 сентябрдаги 01/11-02/02-1395-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни коуч-тренерлик фаолиятига тайёрлаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

саноген ва патоген фикрлашнинг ўзаро тескари пропорционал алоқадорликка эгаллигини ҳисобга олиш, шунингдек, рефлексив ёндашувнинг яхлитлик, ўзаро алоқадорлик, субъективлик, ўз-ўзини акс эттириш тамойиллари ҳамда педагогик-психологик фанларни ўқитиш имкониятларига асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели, бўлажак ўқитувчиларда

саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 23 сентябрдаги 01/11-02/02-1395-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларда соғлом дунёқараш ва эътиқодни ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 135 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида саноген тафаккур муаммосининг психологик-педагогик тадқиқотларда ўрганилиши, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омиллари ҳамда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида изчиллик билан амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги стратегик вазифаларнинг асосий йўналиши соғлом фикр юрита оладиган, жамият ва шахс манфаатлари учун зарур бўладиган ривожланиш истиқболларини аниқ белгилайдиган мутахассислар тайёрлаш масалаларига қаратилганлиги билан тавсифланади.

Анъанага кўра, психология ва педагогикада тафаккур жараёни кўпинча маълум бир муаммони ҳал қиладиган ақлий ҳаракатлар мажмуи билан боғлаб кўрсатилади. Қоида тариқасида, фикрлаш ташқи нарса-ходисалар билан боғлиқ. Бироқ ички муаммолар, масалан, касбий фаолиятдаги

муваффақиятсизлик, хафагарчилик, шахсий ва ижтимоий-психологик тўсиқлар, турли хил муаммо ва бошқалар инсон учун кўпроқ аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу каби салбий ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш муаммосини ўрганиш, зарур педагогик-психологик шарт-шароитларни тадқиқ этиш ва мазкур жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаштириш зарур.

Саноген тафаккурнинг ривожланиш тарихини тадрижий ўрганиш унинг узок йиллардан буён тадқиқ қилиб келинаётганлигини кўрсатди. Шахс дунёқараши ва тафаккурини барқарор ривожлантиришнинг назарий-тарихий асослари қадимги ёзма манбаалар ҳамда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби Шарқ мутафаккирлари ва жадид маърифатпарварларининг асарларида ёритиб берилган.

М.Давлетшин, Э.Ғозиев, В.Каримова, З.Нишоновна, Б.Ходжаев, Ш.Шодмонова, Ж.Мусаев, С.Атаханова, З.Абдурахмоновалар фикрни тарбиялаш, мантиқийлик, ижодий, танқидий ва мустақил фикрни ифодалаш, мустақил, тарихий ва соғлом тафаккурни шакллантириш муаммоларини уйғунлаштирган ҳолда ўз тадқиқотларида ёритиб бердилар.

Саноген фикрлашнинг концептуал асослари Ю.Орлов томонидан илгари сурилган бўлиб, олимнинг фикрига кўра, унинг асосий вазифаси шахснинг ўзини-ўзи такомиллаштириш мақсадларига эришиши учун шарт-шароитларни яратишдан иборатдир: хусусиятлар ва сифатлар, ўзи ва атроф-муҳит билан уйғунлик, ёмон одатлардан сақланиш, ҳиссиётларни бошқариш, назорат қилиш.

Саноген тафаккур муаммосини шахс рефлексив қобиляти билан боғлиқликда ўрганган тадқиқотчилардан яна бири бу Н.Павлюченкова ҳисобланади. Саноген рефлексия шахсий ривожланиш, мослашувчанлик ва салбий ҳиссий ҳолатларни назорат қилишга таъсир этувчи омил бўлиб, у шахснинг ҳаётий қийин вазиятларга нисбатан қарши курашиш қобилятидир.

Саноген фикрлаш кўникмасининг ривожланганлиги асосан қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади: шахснинг ўзида мавжуд бўлган салбий фикрлар ва ҳиссий кечинмаларнинг мустақил назорат қилиниши (Ю.Орлов); ўз-ўзини таҳлил қилиш ва имкониятларини тўғри баҳолаш, яъни шахсий рефлексиянинг устуворлиги (С.Морозюк); ҳиссий-эмоционал барқарорлик (Ю.Крайнова); муаммоларни конструктив ҳал этиш, шунингдек фикрлашдаги стереотиплик ва патогенлик (носоғлом) хусусиятларини камайтириш; фикрлашдаги рефлексивлик ва ўз-ўзини ривожлантиришга нисбатан эҳтиёжнинг юқорилиги (З.Абдурахмонова) ва бошқалар.


М.Джеймс саноген фикрлашнинг асосини онгнинг ҳозирги замонда нима содир бўлаётганини тушуниш қобиляти ташкил этишини қайд этиб ўтган: “Ўзини қандай тутиши ёки ҳис қилаётганини билмаган одам ҳиссий-эмоционал жиҳатдан тез чарчайди ҳамда ўзига бўлган ишончини йўқотади ва бундай одам тезда ички қарама-қарши кучлар ўртасида қийин, ноқулай ҳолатга тушади. Аксинча, саноген тафаккур юритиш тарзидан хабардор

бўлган инсон эса, ўзининг ички ҳиссиётлари, хаёлотларини тўғри бошқара олади, ундан кўркмайди, уялмайди, ақл ва тана “шу ерда ва ҳозир” тамойилига мос равишда ҳаракат қилади.

Саноген тафаккурнинг таркибий тузилишини тадқиқ этган Г.Башанаева унинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатган: мотивацион, рефлексив, эмоционал, операцион. Муаллиф мазкур компонентларни ажратишда саноген тафаккурнинг шахсда ташқи томондан намоён бўлишига асосий эътибор қаратган.

Таълим жараёнига онтологик ёндашувдан келиб чиқиб саноген тафаккур муаммосини тадқиқ этган И.Спивак айнан соғлом фикр юритишни янги ҳулқ-атвор шакли сифатида баҳолайди. Олим саноген ҳулқ-атворнинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатади: рефлексивлик, йўналтирувчи, бошқарувчи ҳамда мазмунли.

Назарий маълумотлар таҳлили бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёнининг таркибий компонентларини қуйидагича белгилаш имконини берди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Талабаларда саноген тафаккурни ривожлантириш тузилмаси**

Юқоридаги фикрларга асосланиб, “саноген (соғлом) тафаккур” тушунчасининг қуйидаги ўзига хос белгилари аниқлаштирилди:

1) саноген тафаккур инсонга ўрганаётган билимларини анализ-синтез қилиш имконини беради. Тўплаган билимлар асосида эса мушоҳада юритиш, янгиликлар, ғоялар, янги билимларни ўзлаштириш ва муаммоларни ҳал этишда энг тўғри, қисқа ва самарали йўлни топишга ёрдам беради;

2) саноген тафаккур қарор қабул қилишда мустақиллик, жавобгарлик, ўзининг ғоя ва фикрларини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришда намоён бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш жараёни мураккаб, кўп қиррали кўринишга эга бўлиб, бунда авваломбор, саноген тафаккурнинг таркибий компонентлари, устувор жиҳатлари ва уни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Саноген фикрлаш ички низо, зўриқиш ва хавотирни камайтириб, ҳис-туйғуларни, эҳтиёжлар ва истакларни бошқаришга имкон беради ва шунга кўра ижтимоий мақбул хулқ-атворни шакллантиради. Ю.Орлов бундай фикрлашни саноген фикрлаш деб атайди. Аксинча, маданият талаблари асосида дастурлаштирилган, автоматизм ва ижтимоий стереотип асосидаги оддий фикрлашга патоген фикрлаш дейилади.

Саноген ва патоген фикрлаш шаклларининг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш лозим (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Саноген ва патоген фикрлашнинг ўзига хос жиҳатлари

Саноген фикрлаш	Патоген фикрлаш
Тафаккурнинг динамиклиги, мослашувчанлиги, рефлексивлиги: инсон фикрлаш тарзи билан боғлиқ барча ҳолатларни кузатади	Тўлиқ тасаввур эркинлиги: онг билан бошқарилмайдиган воқеликдан ажралиш - фикрларни бошқариш ва чеклаш одатининг йўқлиги
Интроспекция: таҳлилга асосланган, инсоннинг ўз-ўзини ички кузатуви доирасида амалга ошириладиган фикрлар	Доимий хавотирли вазият, салбий тажрибани тўплашга ҳисса қўшади, доимий безовталиқ кўпроқ куч талаб қилади. Фикрлашдаги стереотиплик.
Киши руҳий ҳолатларнинг тузилишини билади: у ишончсизлик, айбдорлик, муваффақиятсизлик ва бошқа воқелик қандай ишлашини тушунади.	Рефлексивлик қобилиятининг тўлиқ йўқлиги, ўзини ва ўз ҳолатини ташқи томондан кўриб чиқиш, вазиятга тўғри баҳо бериш кўникмасининг мавжуд эмаслиги
Ижтимоий стереотиплар, маданий хулқ-атвор дастурлари ҳақида индивидуал билимнинг мавжудлиги	Салбий эмоцияларга йўналганлик ҳамда муваффақиятсизлик, ўз-ўзига нисбатан ишончнинг пастлиги, иродасизлик каби сифатлар характерлидир
Фикрлашдаги рангбаранглик, диққатнинг барқарорлиги ва иродавийлик: бу ўз-ўзини таҳлил қилиш имконини беради	Фикрий жараёнларнинг онгсизлиги: бу ўз-ўзимизни, ҳолатимизни назорат қила олмаслигимиз билан изоҳланади
Фикрлаш ва тасаввурни бошқариш қобилиятини ҳосил қилади	Фикрлашдаги назоратсизлик, эҳтиёж ва мотивларнинг беқарорлиги
Локус (ўз-ўзини кузатиш) назоратнинг юқорилиги – бу ижобий фаолият натижасини таъминлайди.	Инсонга вазиятни ҳиссий жиҳатдан ижобий акс эттириш имконини бермайди, бу эса сурункали стрессни, ўзи ва бошқалар билан зиддиятларни келтириб чиқаради
Шахсга ҳаётий фаолиятда юзага келадиган муаммоларга конструктив тус бериш, деструктив йўналишдагиларидан эса сақланиш имконини беради.	Ҳиссий эмоционал қобилият даражасининг пастлиги ва аксинча, ҳимоя рефлексиясининг юқорилиги.
Муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона (ўзига ва саломатлиликка салбий таъсир этмаган ҳолда) чиқиш имконини беради.	Шахсий акс эттиришнинг қуйи даражада эканлиги муаммоли вазиятларни тўғри таҳлил қилиш имконини бермайди.

Бизнинг фикримизча, инсоннинг атроф-муҳитни идрок этиш жараёнини кузатиш асосида унинг саноген ва патоген (носоғлом) фикр юритиш кўникмаларини тадқиқ этиш мумкин. Фикрлашнинг патогенлиги шундаки, инсоннинг саломатлигига зарар етказувчи салбий қарашлар йиғиндиси бўлиб, у шахснинг ўз-ўзи ва шахслараро муносабатлар жараёнида вужудга келадиган эмоционал беқарорлик ва низолар билан изоҳланади.

Саноген тафаккур – бу инсон табиатининг мураккаб психофизиологик ва психопатологик механизмларини ўзида акс эттириб, инсоннинг шахсий ҳаётини фаолияти ва руҳий оламида вужудга келадиган турли хил муаммолар ва инкирозларни ҳал этишида, онда келадиган ҳиссий-эмоционал-физиологик реакциялар билан биргаликда патоген (зарарли) омилларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиши билан изоҳланади.

Инсон тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга доир амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлили ҳамда тадқиқот мавзуси доирасида ташкил этилган эмпирик тадқиқот натижалари асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга таъсир этувчи асосий жиҳатлар (омиллар) шартли равишда уч гуруҳга ажратилди: объектив, субъектив ва педагогик омиллар.

Бизга маълумки, инсон тафаккурининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи объектив (ташқи, ижтимоий муҳит) омиллар алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришда объектив омиллар сифатида оила, ота-она муносабатлари, оиладаги соғлом тарбия ва соғлом муҳит, тенгдошлар жамоаси, ижтимоийлашув жараёни каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш кўплаб субъектив омиллар таъсирини ҳисобга олишни талаб этади. Жумладан, ўз-ўзини англай билиши, яъни ўз-ўзига баҳо бериш майли ва истаги каби установкалар; ўзини бошқа шахслар билан таққослаши; фикрларини эркин, очиқ, мазмунли ифодалаши; ўзгаларнинг фикрини эшита олиши ва муроса қила олиш каби эмоционал хусусиятлар, шахс мотивацион соҳаси ривожини, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, ёш омили мазкур жараёнда муҳим аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришда педагогик омилларнинг етакчилигини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Мазкур омиллар юқорида баён этилган объектив ва субъектив омилларни ўзида бирлаштириб, яхлитлик касб этади. Саноген тафаккурни ривожлантиришда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, интерфаол таълим муҳитини яратишда талаба шахсига янгича ёндашув, мулоқот услуги, ўқитувчи фаолиятини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш модели, аудиториядан ташқари машғулотларнинг саноген тафаккурни ривожлантиришга доир педагогик

имкониятлари, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологияси мазмуни ёритиб берилган.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш билан боғлиқликда рефлексиянинг кооператив, коммуникатив, шахсий, интеллектуал турларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда экзистенциал ва саноген рефлексия тушунчалари ҳам мавжуд. Экзистенциал рефлексия учун тадқиқот объекти – шахснинг чуқур ва экзистенциал фикрлари ҳисобланади. Ноқулайлик, муваффақиятсизлик, айб, уят ва ғазаб каби кўрқувларга олиб келувчи кечинмалар, негатив ҳиссий вазиятларда пайдо бўлувчи рефлексия шахсий азобланишнинг камайишига олиб келади. Профессор Ю.Орлов бундай акс эттиришни саноген рефлексия деб ҳисоблайди. Мазкур рефлексиянинг асосий вазифаси инсоннинг ҳиссий-руҳий ҳолатини тартибга солишдир.

Саноген рефлексия бу инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўз дунёқарашини, фикрлаш тарзини тушунишни ҳамда орттирилган тажрибаларни қайта акс эттириш ва янги маълумотлар билан тўлдиришни ўз ичига олади. Шу билан биргаликда, айти вақтда бажараётган ва келажакда амалга оширмакчи бўлган фаолият шакллари ҳамда бошқа субъектлар билан боғлиқлигимизни ва улар бизга қандай алоқаси борлигини саноген акс эттириш воситасида тўғри асослаш ва баҳолаш амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур рефлексияда шахс муайян вазиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган фаолият моделларини ўзгартириши ёки ўзгартиришларни амалга оширмаслиги ҳам мумкин.

Бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш ўз-ўзидан талабаларда саноген рефлексиянинг шаклланганлик даражаси билан узвий боғлиқликда кечади. Чунки бизнинг тадқиқотимиз учун қийинчиликларни бартараф этишдаги рефлексив механизмлар энг долзарбдир. Ушбу ҳолат шу билан изоҳланадики, бўлажак мутахассислар амалий-касбий таълим ва ҳаётини фаолият жараёни субъектлари сифатида турли хил муаммоларга дуч келади, ҳам ижобий, ҳам салбий кечинмаларни ҳис этади ва бу орқали ўз рефлексив имкониятларини ривожлантиради. Бундай ҳолатда эса, рефлексия бевосита илмий-билиш ва амалий фаолият усуллари шакллантириш воситаси сифатида намоён бўлади.


Рефлексив жараён моҳияти, унинг шакл ва турлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, саноген рефлексиянинг қуйидаги таркибий асослари аниқлаштирилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Саноген рефлексиянинг таркибий асослари



Тадқиқот ишларини олиб бориш давомида рефлексив ёндашувнинг яхлитлик, ўзаро алоқадорлик, субъективлик ҳамда ўз-ўзини акс эттириш тамойилларига асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели

Аудиториядан ташқари машғулотлар орқали бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш мақсади тизим ҳосил қилувчи хусусиятга эга. Шу боис, аудиториядан ташқари машғулотлар ва тадбирлар тизимининг барча таркибий қисмлари унинг мақсадига боғлиқ ҳолда, белгиланган натижага эришиш учун хизмат қилади.

Аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак ўқитувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантириш, дастлаб уларда саноген фикрлашга нисбатан шахсий эҳтиёжни қарор топтириш, мазкур жараёнда уларда соғлом фикрлашга нисбатан қизиқиш ва хоҳиш-истакни шакллантириш вазифаси амалга оширилиши лозим. Бунинг учун машғулотларда суҳбат, дебат-мунозара, ўз-ўзини таҳлил қилиш каби диагностик методлар орқали қуйидаги жиҳатларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади: 1) саноген фикрлашни ўрганиш сиз учун қизиқми? 2) саноген фикрлашни шахснинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий ва ақлий жиҳатдан саломатлигини таъминловчи омил сифатида баҳолаш мумкинми? 3) саноген фикрлашнинг мазмуни, унинг таркибий қисмлари ва шахсий ривожланишни таъминловчи имкониятлари ҳақида маълумотга эгамисиз? 4) олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни шахсий ва касбий жиҳатдан ривожлантириш учун амалга оширилаётган амалий ишлар ҳозирги кун жамият талабларига мосми? 5) сизнингча, бўлажак ўқитувчиларда қуйидаги сифатлар қай даражада ривожланган: ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқара олиш, ўз қобилиятларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ва бошқалар?

Бизнинг фикримизча, онтогенезда саноген тафаккурнинг ривожланиш йўли субъектив жараёнлар (физиологик, психологик, когнитив), рефлексив кўникмалар, бой ижтимоий тажриба, муваффақиятга эришишда мотивация даражасининг юқорилиги, ҳаётий стереотиплар асосида фикрлаш шакли сифатида эмас, балки мослашувчан фикрлаш тарзи сифатида ҳамда субъективликка қайтиш учун шахсий эҳтиёж сифатида намоён бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш стратегиясини бундай тушуниш бизга мақбул усулларни қўллаш ва ўқув таркибини танлашда тактик ҳаракатларни кетма-кет ва тизимли равишда аниқлашга, мазкур жараёнда рефлексиянинг ўрни, роли ва функцияларини аниқлашга шароит яратади. Бу эса, технологик ёндашувнинг барча параметрлари бўйича саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологиясини яратишга имкон беради.

Рефлексив таълим технологиялари педагогик технологиянинг алоҳида тури сифатида, маълум бир педагогик вазифани бажариш учун хизмат қилади. Бизнинг тадқиқот ишимизда, рефлексив технология бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган. Рефлексив технологиялар ҳам умумпедагогик технология сифатида ишлаб чиқариш мезонларининг қуйидаги асосий услубий талабларига жавоб беради: концептуаллик, тизимлилик, функционаллик, бошқариш, самарадорлик ва такрорланувчанлик.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив

технологияси ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг). Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологияси қуйидаги тўрт босқичга асосланади: мотивацион-диагностик, ахборотли-когнитив, операцион-фаолиятли ва натижавий-рефлексив.

## 2-жадвал

### Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг рефлексив технологияси

Босқичлари	Мазмуни	Метод ва усуллари
<b>Мотивацион-диагностик</b>	Бўлажак ўқитувчиларда саноген фикр юритишга нисбатан шахсий эҳтиёжни қарор топтириш, саноген рефлексияга оид кўникмаларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқиш ва хоҳиш-истакни шакллантириш. Мазкур хусусиятга ижобий эмоционал муносабатни таркиб топтириш	Диагностик методлар (сўровнома-анкета, савол-жавоб, муаммоли тавсифдаги суҳбат), дебат, ўз-ўзини таҳлил этиш, баҳс-мунозара, ўз-ўзини баҳолаш, турли методикалар.
<b>Ахборотли-когнитив</b>	Ўқув жараёнида талабаларга саноген (соғлом) ва патоген тафаккурнинг мазмуни, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тушунчалар бериш, тасаввурлар ҳосил қилиш, яхлитликда билимларни таркиб топтириш.	Маъруза, амалий машғулот, тушунтириш, ўргатиш, намуна кўрсатиш, репродуктив образли суҳбат, тест (асосий тушунчалар мазмунига оид, тушунчали).
<b>Операцион-фаолиятли</b>	Ҳосил қилинган билимларни, фикрлаш тарзини ўқув фаолияти ва мулоқотнинг реал ҳаётий шароитларига киритиш, янги вазифаларни ҳал этиш бўйича ижодий фаолият тажрибаси. Тўғрақ машғулотларида амалий топшириқларни бажариш, мустақил иш тайёрлаш, машқ қилиш йўли билан мустаҳкамлаш, қайта алоқани амалга ошириш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини лойиҳалашни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали индивидуал онгни тараққий эттириш.	Машқ, намойиш этиш, мушоҳадали тажриба, видео-метод, педагогик вазиятлар, реал ҳаётий вазиятлар, мусобақа, рағбатлантириш, рефлексив техника ва тренинг машғулотлари, педагогик ўйинлар, матн устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, рефлексив технология, педагогнинг суггестив фаолияти.
<b>Натижавий-рефлексив</b>	Қадриятли ёндашган ҳолда ривожлантирилган хусусиятни шахс қадриятлар тизимига киритиш орқали рефлексив йўналганликни таркиб топтириш. Барқарор эътиқод ва қарашлар тизимининг шаклланиши ҳамда ўзаро биргаликдаги фаолият малакаларини эгаллаш, атрофдагилар билан ўзаро эмоционал (ҳиссий) — қадриятли муносабатлар тажрибасини шакллантириш.	Ижтимоий воқелик, вазиятларни таҳлил қилиш, ролли вазиятлар, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият, коррекцион-ривожлантирувчи иш методлари. “Фикр билдириш”, “Ишонтириш мактаби”, “Мулоҳаза, сабаб, мисол ва умумлаштириш” методикалари.

Диссертациянинг “Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантириш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари 2018-2021 йилларда Термиз давлат университети, Фарғона давлат университети, Бухоро давлат университетларида амалга оширилди. Тажриба-синов ишларига педагогика ва психология, бошланғич таълим, мактабгача таълим ва жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишларининг 455 нафар кундузги таълим шаклида таҳсил олувчи талабалари жалб этилди. Тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилди: асословчи, шакллантирувчи ва якуний.

Асословчи тажриба-синов босқичининг муҳим вазифаси сифатида бўлажак ўқитувчиларда саноген фикрлаш кўникмаларининг ривожланганлик ҳолатини таҳлил этиш белгиланди. Асословчи тадқиқотни ўтказишда барча таълим йўналишларида педагогик ва психологик фанларнинг ўқитилиши ҳамда мазкур фанларга оид билимларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилиш даражасига, шунингдек, уларнинг аудиториядан ташқари амалий фаолият турлари мазмунига эътибор қаратилди. Чунки, ушбу жараёнлар талабаларда маълум даражада саноген тафаккурга оид кўникмаларнинг ривожланганлиги ҳақидаги хулосага келиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шахсда саноген тафаккурнинг шаклланганлигини диагностика қилиш учун Ю.Орловнинг махсус когнитив-эмоционал тести ҳамда Л.Рубцова томонидан ишлаб чиқилган психологик-педагогик тренинг машғулотларидан амалиётда кенг фойдаланилаётган бўлсада, бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурнинг ривожланганлик даражасини баҳолашга доир рефлексив техникалар мажмуи ва муаллифлик методикаларини ишлаб чиқиш бўйича маълум бир ишларни амалга оширишни тақозо этди.

Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонларини аниқлашда диссертациянинг биринчи бобида қайд этиб ўтилган соғлом фикрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда рефлексив фаолият шакллари таянилди. Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурнинг ривожланганлик даражасини баҳолашга доир қуйидаги мезонлар белгилаб олинди: мотивацион мезон, шахсий рефлексия даражаси, эмотционал барқарорлик, фикрларнинг намоён бўлиши, саноген рефлексия.

Тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида респондентлар тенг асосда тажриба (229 нафар талаба) ва назорат (226 нафар талаба) гуруҳларига бириктирилди. Тажриба гуруҳида саноген тафаккурнинг ривожланишини таъминлашга ёрдам берувчи рефлексив технология асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув-тарбия ишлари олиб борилди.

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурнинг ривожланганлик даражаси қайта ташхис этилди.

Дастлабки ва якуний назорат кесимлари натижаларини 3-жадвалда келтириб ўтамиз.

### 3-жадвал

#### Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккур хусусиятларининг ривожланганлик даражаси (дастлабки ва якуний назорат кесими)

